

RESEARCH AND EDUCATION  
Scientific Research Center

ISSN: 2181-3191

INTERNATIONAL CONFERENCE ON  
EDUCATIONAL INNOVATIONS AND  
APPLIED SCIENCES 2022/5


15 SEPTEMBER, 2022 YEAR

International Scientific Conference

RESEARCHEDU.ORG



PKP | INDEX



31

**УРУГЧИЛИК ДАЛАЛАРИДА ТУРЛИ ЭКИШ УСУЛЛАРИНИ  
ШОЛИНИНГ “ЛАЗУРНЫЙ” НАВИНИНГ КЎЧАТ ҚАЛИНЛИГИГА  
ТАЪСИРИ**

Усмонов Қобил Гаффор ўғли

Page No.: 129-134

32

**НАСРДА БАДИЙ ТИЛНИНГ ЎРНИ (ҚЎЧКОР НОРҚОБИЛНИНГ  
АЙРИМ АСАРЛАРИ МИСОЛИДА)**

Химматова Гузал Амиркуловна

Page No.: 135-137

33

**ЎҚИШ МОТИВЛАРИ ВА КИТОБ ТАНЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

Туракулова Оқила Амиркуловна

Page No.: 138-141

34

**ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ СОДДАЛАШМОҚДА**

Умаров Ҳикматилло Аҳадович, Қосимова Гавҳар Содиковна

Page No.: 142-144

35

**РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ОМИЛЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ**

Ҳамидуллаев Мамыржон Муроджон ўғли

Page No.: 145-150

36

**HALIMA AHMEDOVANING “ICHIMDAGI ODAM” NIKOYASINING  
G’OYAVIY-BADIY TAHLILI**

Vahobova Madina Manof qizi

Page No.: 151-153

37

**TUT KO’CHATLARINI YETISHTIRISH TEKNOLOGIYASI ILMIU  
ASOSLASH MASALALARI**

Abdullahayeva Xuriyatxon Zafarbekova, To’xtasinov Sarvarbek Xabibullo o’g’li

Page No.: 154-157

## ЎҚИШ МОТИВЛАРИ ВА КИТОБ ТАНЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Туракулова Оқила Амиркуловна,

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти

университети,

“Ўзбек тили таълими” факултети доценти,

педагогика бўйича фалсафа доктори (PhD)

**ABSTRACT:** This article discusses some methodological issues concerning the motives of reading books and the criteria for choosing books, the development of specially organized reading activity of readers as the leading goal and structural basis for the development of reading, teaching perception and understanding of works of art. A systematic description of general and particular factors is shown when raising the reader to the level of the reader.

**KEY WORDS:** The need for reading, reader, library, motives for reading, need, motivation for knowledge, public reading, reading, artistic image.

Жаҳон миқёсида бугунги кунда ўқувчи-ёшлар ўртасида китоб ўқишни тарзиб қилиш, уларнинг фаол китобхон бўлишига эришишда ижтимоий институтларнинг ролини ошириш, мутолаа соҳасида дастурий-лойиҳавий фаолиятни ривожлантириш, интернет-технологияларидан фаол фойдаланиш ҳамда китобхонлик фаоллигини оширишга йўналтирилган ижтимоий-педагогик механизмларни такомиллаштиришга алоҳида аҳамият каратилмоқда.

Китобхон китобга турли-туман, у ёки бу сабаблар таъсири остида мурожаат қиласди. Мутолаа маданияти даражасини кўп жиҳатдан китоб танлаш, яхлитликда ўқиш мотивлари белгилаб беради. Мутолаага эҳтиёж қайта-қайта тақорорланувчи тавсифга эга. Уларнинг ривожланиши китобхоннинг маълум

бир эхтиёжини қондирувчи ўқиши предмети, унинг мавзу донрасининг ўзгаришин ҳисобига содир бўлади<sup>1</sup>.

Бироқ энг асосийси мутолаага эхтиёж ўкувчи ва унинг ота-онасининг китоб ўқишини қадрият деб билиши, ўсиб келаётган авлоднинг янги ҳаётй воқеаликларга муваффакиятли ўз-ўзини тайёрлаши учун зарурлигини тушунишида ёрқин намоён бўлади<sup>2</sup>.

Мотивация – мотивларнинг ҳаракатланиш жараёни, инсонни асосий фаолиятга ундовчи мотивлар йигиндиси. Мотив эса французчадан таржима қилинганда, ундовчи куч, сабаб деган маънони билдиради<sup>3</sup>.

Ш.С.Шодмонованинг фикрича, олимларнинг мотивларга берган таснифлари турлича бўлиб, уларнинг айримлари инсонда вужудга келувчи ҳолатларни, яъни инсонни хатти-ҳаракатга келтирувчи ҳолатларни мотив деб аташса, айримлари инсонларнинг мақсади, қизиқиши, орзу-истаги, нияти, интилиши, манфаати, эхтиёжи ва эътиқодларини мотив сифатида келтиришади, яна бошқа бирлари мотивларни жараён сифатида талқин этишган<sup>4</sup>.

Германялик олим Рутт “кам бадний таъсиричаник”ка эга адабиётларни ўқишга иштиёқни юзага келтирувчи салбий мотивларни ҳам ажратиб кўрсатган. Бундай мотивларга “таъкидланган” нарсаларни бажариш истаги, ижтимоий ва ахлоқий бузуқлик, ён атрофдагиларга бефарқлик, дангасалик кабилар киритилган. Бундай адабиётларни ўқиш мотивларининг мавжудлиги оқибатида болаларда ўқиш малакаларининг етарли ривожланмаслиги, бадний асарларни танқидий баҳолай олмаслик, тил бойлигинин камлиги кузатилади.

Ўкувчиларда мутолаа маданийтини ривожлантириш йўналишлари бўйича илмий изланишлар олиб борган В.С.Собкин ва А.К.Писарскийлар ўқиш мотивлари тузилмасига тааллуқли беш омилини ажратиб кўрсатишган:

- билиш мотивацияси билан алоқадор мотивлар;

1 Бородина В. А., Бородин С. М. Мотивация в структуре чтения // Чтение детей и подростков: мотивы и потребности: сб. статей и учеб.-метод. материалов. – СПб.: ЛЕМА, 2005. – С. 39-45. – С.40.

2 Прибыльых С.Р. Формирование читательских интересов учащихся старших классов в процессе преподавания литературы: Дис. ... канд. пед. Наук. – Якутск, 2004. – 173 с. – С.122-124.

3 Ходжаев Б.Х. Умумъальным мактаби ўкувчиларининг мустакба физиологии ривожлантиришининг дидактик асослари (5-7 синиф тарих дарслари мисолида): Педагогика физиолариномоди. ... дисс. – Т., 2009. – 172 б. – Б.36.

- ахлоқий идеалларни излаш билан боғлиқ мотивлар;
- маданий меросни ўзлаштириш истаги;
- яқин ижтимоий мухитнинг таъсири;
- эмоционал тажрибани бойитиш истаги<sup>5</sup>.

Бу эса, бизга ўкиш мотивларини куйидагича таснифлаш имконини берди:

1. Шахс фаолияти соҳаси билан боғлиқ:

- когнитив фаолият билан боғлиқ ўкиш мотивлари;
- қасбий фаолият билан боғлиқ ўкиш мотивлари;
- бўш вақтни ташкил этишга доир ўкиш мотивлари.

2. Субъектнинг ҳаётий зоҳтиёжлари билан боғлиқ:

- ижтимоий-маниший турмуш учун зарур ахборотлар олиш билан боғлиқ ўкиш мотивлари;
  - турмуш тарзи, одатланиш (ўйкудан олдин китоб ўкиш)
- билиш боғлиқ мотивлар.

3. Шахсий қадриятлар тизими билан боғлиқ:

- хулқ-атвор меъёрлари ҳақидаги тасаввурлар билан боғлиқ ўкиш мотивлари;
- обрӯ ва маълум бир мақомни эгаллаш истаги билан шартланган ўкиш мотивлари;
- сўнгти урфга айланган нарсалар ҳақида маълумотта эга бўлиш билан боғлиқ ўкиш мотивлари.

Агар китобнинг номланиши, ташки қўрининиши, иллюстрациялари билан китобнинг ўзи мутолаага шахсий мотивацияни юзага келтириш имконига эга бўлиб, ўкувчидаги мазмунни билан танишиниш истагини пайдо қиласди. Китоб ўкишга нисбатан “мотивация” атамасидан инсоннинг китоб мутолаасига йўналгандигининг сабаб ва механизмларини тадқиқ этиш мақсадида фойдаланилади. Агар китоб ўкишга ички мотивация мавжуд бўлмаса, бу ижобий ҳолат эмас. Китобдан олинган билимлар ўз-ўзидан қалбни тарбиялашни кафолатламайди. Бунинг учун китоб ўкишнинг энг муҳим мотиви ички (шахсий, маънавий) хошиш зарур.

Билишга қызғылт ахборотни ўзлаштириш ва қайта ишлашдан иборат. Вокеликлар жараёнинг иштирок этишга қызығын инсонни бошқа одамларнинг туйгулари билан ҳамроҳ бўлишига имкон беради. Кизиқишининг мазкур икки тури бадиий асарни ўқиш жараёнида ўзаро уйғун тарзда намоён бўлади.

XVII асрнинг буюк педагоги ва олимни Ян Амос Коменскийнинг китоб ва ўқиш ҳақидаги ўйлари "Ўқишининг фойдаси тўғрисида"ги китобларида "Агар донолик озиқлари бўлмаса, қандайдир яхши китоблар тақдим этадиган кўрсатмалар, мисоллар, ахлоқий талаблар, қонун-лар ва тақвадорлик қондалар бекуда фикрлардир. Улар самимий дўстлардек, биз билан хушмуомалалик билан гаплашадилар ..." деган фикрни айтган здилар.

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Полонский В.М. Словарь по образованию и педагогике. — М.: Высшая школа, 2004. — 512 с. — С.52.
2. Педагогика: Большая современная энциклопедия / сост. Е.Ц. Рапацевич. — Минск: Современное слово, 2005. — 719 с. — С.454-455.
3. Мусурмонова О. Юқори синф ўкувчилари маънавий мада-ниятини шакллантиришнинг педагогик асослари: Педагогика фанлари доктори...дисс. — Т.: 1993. — 364 б.;
4. Ходжаев Б.Х. Умумтаълим мактаби ўкувчиларида тарихий тафаккурни модернизациялашган дидактик таъминот воситасида ривожлантириш: педагогика фанлари доктори... дисс. — Т., 2016. — 314 б.;
5. Салиева З.Т. Педагогика коллежи ўкувчиларининг маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантириш – қасбий ижтимоийланиши омили сифатида: педагогика фанлари номзоди. ...дисс. — Т., 2010. — 146 б.
6. Я.А.Коменский и современность: сборник научных трудов Международной научно-практической конференции, посвященной 425-летию со дня рождения великого педагога и 250-летию первого издания его произведений на русском языке (28 ноября 2017 г.) / Под научной редакцией В.Г. Безрогова